

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 782/785**

АЙХОДЖАЕВА ШАХНОЗА ИМОМХОДЖАЕВНА

**МАҚОМ ТАРОНАЛАРИ
(жанр хусусиятлари, ижро анъаналари)**

Ихтисослик: 17.00.02 – «Муסיқа санъати»

**Санъатшунослик номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим қилинган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2007

Диссертация Ўзбекистон давлат консерваториясининг
Муסיқий шарқшунослик кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар : санъатшунослик номзоди,
профессор, **Р.Ю.Юнусов**

Расмий оппонентлар: санъатшунослик доктори
О.А.Иброҳимов
санъатшунослик номзоди
С.Б.Қосимхўжаева

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон давлат санъат институти

Ҳимоя 2008 йил "8" апрелда соат 10⁰⁰ да
Ўзбекистон Бадий Академияси Санъатшунослик илмий –
тадқиқот институти ҳузуридаги Д.092.11.01 рақамли
Бирлашган Ихтисослашган кенгаш мажлисида ўтказилади.

Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2.

Диссертация билан Санъатшунослик илмий – тадқиқот
институти кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2.

Автореферат 2008 йил "7" март да тарқатилган

Бирлашган Ихтисослашган
кенгаш котибаси,
санъатшунослик доктори

Д.Н.Раҳматуллаева.

Раҳматуллаева

1. Диссертациянинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг мумтоз муסיқа санъати асрлар оша қудратли маънавий манбаи бўлганлиги кўпна тарих зарварақларидан маълум. Хусусан, ўзининг ажойиб анъаналари ила умумбашарий қадриятларини бойитган ўзбек миллий муסיқаси ҳам ҳанузгача юксак бадий – эстетик қийматини йўқотмасдан келмоқда. Зеро, аждодлар томонидан яратилган турли жанр ва шакллардаги мумтоз муסיқа намуналари бадий – маънавий меросимизнинг ажралмас қисмига айлангандир. Шу жумладан, ўзбек миллий муסיқасининг ардоқли қатлами сабалмиш маҳобатли мақомларимиз ҳам асрлар давомида ҳар хил кўринишларда ривожланди, тараққий этди.

Узун тарихий жараёнда турли давр, шарт – шароит ҳамда эҳтиёжлар тақозоси билан улар шаклан, услубан ва мазмунан тобора ўзгариб бурганини қисман тегишли манбалар ёрдамида кузатиш мумкин. Бизгача етиб келган мақом туркумлари ўтмиш бастакорлик ижодиётининг ноёб маҳсули экан, бир жиҳатдан росмана эл муסיқаси билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлана бургани аён. Шарқ халқлари, хусусан ўзбек мақомоти тарихий – назарий жиҳатдан (ўша давр талаби даражасида) тадқиқ этилган ўрта аср муаллифларининг муסיқий рисоалари устозона муסיқамизни имконқадар атрофлича ўрганиш, янада чуқурроқ идрок этиш ва тадқиқ этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Таъкид жоизки, устозона муסיқани ўрганишга бағишланган мазкур илмий жараён ХХ асрга келиб бутунлай янгича тус олди. Демак, 1920 йиллардан мақомларнинг бевосита ижровий амалиётга таянган ҳолда, тарихий, назарий, фалсафий, ижровий жиҳатлари босқичма – босқич ёритилиб, тадқиқ этилаётганини эътироф қилиш мумкин. Ўз навбатида бу ишга Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода, Абдурауф Фитрат, Виктор Успенский, Виктор Беляев, Илс Акбаров, Файзулла Кароматов қўшган ҳиссалари, Юнус Ражабий, Матниёз Юсупов, Бобоқул Файзуллаев, Шоназар Соҳибов ва Фазлиддин Шаҳобов амалга оширган нота ёзувлари, Исҳоқ Ражабовнинг теран тадқиқотлари, шунингдек, Т.Ғофурбеков, О.Матёқубов, Р.Юнусов, О.Иброҳимов каби кейинги авлод мутахассисларининг бу борадаги изланишлари ёрқин далилдир.

Ўзбекистонда мавжуд мақомларнинг уч асосий турлари – Бухоро мақомлари, Хоразм мақомлари ҳамда Фарғона – Тошкент мақом йўлларини ўрганишга бағишланган талайгина илмий тадқиқотлар бажарилган бўлса – да, мақомотнинг илми ва амалиётга оид яхши ёритилмаган, муаммоли масалалари ҳам бисёр.

Назаримизда, худди шундайлардан бири — мақом ашула йўлларининг ўзига хос таркибий қисми бўлган таронага тегишлидир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мақом тароналари хусусида ўтмиш алломалар ўзларининг мусиқий рисолаларида, замондош муаллифлар мақомларга бағишланган қатор илмий изланишларида бир қанча қимматли далиллар келтириб, ўз фикр — мулоҳазаларини билдирганлар. Шундай бўлса — да, бу мавзу махсус ва кенгроқ қамровда ўрганилмаган.

Шу боис мақом тароналари жанр хусусиятлари ва ижро анъаналари кесимида номзодлик диссертацияси мавзуси сифатида олинди. Зеро, мақомларнинг юзага келишида, айтим йўллари эса муайян тартибдаги туркум бўлиб узил — кесил шаклланишида айнан тароналар ниҳоятда муҳим омиллардан саналиши зарур. Яъни асосий шўъбалар орасидаги ушбу нисбатан содда, ҳажман кичик, бир томондан халқ куй ва кўшиқлари, иккинчи томондан неча — неча авлод бастакорлари ижодига мансуб ушбу айтим йўлларисиз мақомлар, бу қадар муҳташам, чинакам қомусий мажмуани ҳосил қилиши амри маҳол эди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси М.Ашрафий номидаги ТДК Илмий кенгашининг 1998 йил 20-ноябрда бўлиб ўтган №6-сон мажлисида тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ушбу диссертацияда кўзланган бош мақсад тароналарнинг келиб чиқиши, Бухоро, Хоразм ва Фарғона — Тошкент мақом туркумлари таркибидаги ўрни ва аҳамияти, мусиқий хусусиятлари, жанр қонуниятлари ҳамда ижро анъаналарини имкон қадар тўлиқ ҳолда ёритишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Кўзланган мақсадларга эришмоқ учун:

- мақомларга доир турли тарихий даврларда битилган илмий адабиётларни таҳлил ва тавсиф этиш;
- тароналарни тарихий жиҳатдан ўрганиш, уларга алоқадор манбалардаги эски шаклларни ҳозирги кўринишлари билан таққослаш орқали муштарак ҳамда фарқли жиҳатларини кўрсатиш;
- бу борада тароналарнинг белгиланган мезонлар асосида тарихий номларини аниқлаш;
- мақомларнинг узил — кесил шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тароналар ижро анъаналарининг тарихий — назарий томонларини ёритиш асосий вазифалардан саналади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ҳозирги кунга қадар махсус ва кенг қамровда ўрганилмаган мақомларнинг таркибий қисми

саналмиш тароналар тадқиқот объекти сифатида олинди. Зеро, мақомларнинг юзага келишида, айтим йўллари эса муайян тартибдаги туркум бўлиб шаклланишида айнан тароналар ниҳоятда муҳим омиллардандир.

Тадқиқот усули. Ўзбекистон мақомшунослигида шаклланган илмий — тадқиқот услубларига, шу жумладан сиёсий методга асосланилди; мавжуд манбалар истиқлол мафкураси нуқтаи — назаридан баҳоланиб, мусиқий намуналар тизимли ёндошув асосида таҳлил қилинган.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

• Бухоро, Хоразм ва Фарғона — Тошкент мақом туркумлари таркибидаги тароналарнинг илмий, тарихий — назарий жиҳатдан ўрганилиши;

• тарона ва унга турдош шакл хусусиятларининг назарий — таҳлилий тавсифи;

• мақом, хусусан, тароналарнинг даврлар мобайнида шаклланиб, ривожланиб келаётган ижро анъаналарини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги аввало шу билан белгиланадики, мақомларнинг туркумлаи ҳолда шаклланишида муҳим ўрин тутган ва айни пайтда асосий шўъбалар орасида келиб, маълум маънода ёрдамчи қисм сифатида қаралувчи тароналар, илк бор асосий мавзу этиб белгиланди ва илмий — назарий жиҳатдан ўрганилиб, тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: изланишлар жараёнида эришилган натижа ва хулосалар мақомотнинг бошқа масалалари (хусусан, айтим йўллари)ни атрофлича ёритишда ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тадқиқот натижаларидан илмий, педагогик, шунингдек, ижрочилик амалиётида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Ишнинг асосий мазмуни, хулосалари ва натижалари нашр этилган илмий журнал ва тўпламларда ўз ифодасини топди. Шунингдек, мазкур диссертация натижаларидан олий ва ўрта махсус мусиқа ўқув юртларининг «Анъанавий ўзбек мусиқаси асослари», «Мақом асослари» ва «Ўзбек мумтоз мусиқаси» каби курсларида маърузалар матни сифатида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши: диссертация Ўзбекистон давлат консерваторияси Мусиқий шарқшунослик кафедрасининг кенгайтирилган мажлисида, Ўзбекистон Бадий Академияси Санъатшунослик илмий — тадқиқот институтининг "Мусиқа тарихи" ҳамда "Фольклор ва замонавий мусиқа" бўлимларининг кўшма мажлисида, шунингдек, Низомий номидаги ТДПУ Санъат

факультети Илмий — услубий кенгашининг семинар — мажлисида муҳокама этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги: тадқиқотнинг муҳим ҳолатлари Ёш олимларнинг республика илмий — амалий конференцияларидаги (Тошкент — 2000, 2001, 2002, 2003, 2004, 2005) маърузалар тезислари ҳамда «Шашмақом анъаналари ва замонавийлик» мавзuidaги халқаро конференция материалларида; шунингдек, «Театр», «Мозийдан садо», «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» каби илмий — адабий, ижтимоий — сиёсий, фалсафий, маданий — маърифий журналларда 4 та илмий мақола, илмий тўпламларда 2 та мақола, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида 3 та мақола мисолида ўз ифодасини тошган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва умумий ҳамда махсус нашрларни жамлаган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг асосий қисми 133 бет бўлиб, адабиётлар рўйхати билан 150 бетни ташкил этади.

2. Диссертациянинг асосий мазмуни

Кириш қисмида тадқиқот масалалари шакллантирилиб, танланган мавзу ва унинг ҳозирги замон санъатшунослик илм — фани тараққиётида долзарблиги асослантирилади. Жумладан, турли тарихий жараёнларда битилган таронага алоқадор мавжуд адабиётлар тавсиф ва таҳлил этилади; уларнинг ўрганилиш даражаси, бу борада эришилган ютуқлар ва камчиликлар кўрсатилади.

I — боб. «Мақом ашула йўлларини ўрганиш масалалари»га бағишланган бўлиб, унда мақом ашула йўллари, хусусан тарона ва унга турдош намуналар тарихий ҳамда илмий — назарий жиҳатдан ўрганилади. Уларнинг қадимги даврлардаги ҳолати мавжуд манбалар орқали белгиланган мезонлари асосида ҳозирги кўриниши билан таққосланади.

Шашмақом тароналари, Хоразм мақом тароналари ва Фарғона — Тошкент мақом тароналари алоҳида — алоҳида тавсиф этилади.

1. Шашмақом тароналари. Шашмақом ашула қисмлари ўзининг ранг — баранглиги, шакл жиҳатдан бойлиги, услубан хиља — хиллиги ва айни вақтда муштарақлиги, нисбатан ихчам ички туркумларни ҳосил қилиши билан таърифланади.

• Дарҳақиқат, туркумлилик хусусияти мақом ашула йўллари, жумладан, шўъба — тарона мутаносиблигида яққол намоён бўлади. Шунингдек, олдинма — кетин, мантиқан равон уланиб келувчи тароналар туркуми ҳам ўз навбатида муайян драматургик жараёни

юзага келтиради. Яъни, тароналар шунчаки гуруҳ эмас, балки мақомларда туркумлилик сифатни ҳосил қилувчи, муайян тизим намуналаридир.

Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, тароналарнинг Шашмақом таркибида ўзига хос, алоҳида ўрни мавжуд. Чунки улар бир шўъбадан иккинчисига ўтишда боғловчи, янгиланиш (контраст) ва дам беринч каби асосий вазифани амалга ошириш учун хизмат қилади. Тароналар хусусан:

а) мақомларнинг муайян тизимда тартиблаштирилган шўъбаларини ўзаро боғлайди;

б) ҳажман йирик, табиатан вазмин асосий шўъбалар орасида янгиланиш (контраст)ни юзага келтиради;

в) ўзининг нисбатан енгил мусиқий табиати (ҳажман кичик, шаклан оддийлиги) билан мураккаб шўъбаларни куйловчи етакчи ҳофизларга дам бериш вазифасини бажаради.

Умуман мақомларда, хусусан Шашмақом туркумида мавжуд тароналар ўтган асрнинг турли саналарида нашр этилган нота манбаларида шўъбалар таркибидаги сони ва жойлашув тартибининг маълум ўзгаришларга учраганлиги кузатилади.

Тароналарнинг асрлар давомида турли ўзгаришларга учрагани тегишли манбалар орқали ўрганилар экан, уларнинг аввалги ҳолатини аниқлашда эски шеърый матнлар тўплами саналган баёзлар асосий ёрдамчи манбалардан бири ҳисобланади.

Эътироф этиш мумкинки, муайян куйга турлича мазмундаги шеърый мисоллар боғлаб ижро этилган. Яъни, бир шеър фақат бир куйга боғланиш билан чегараланмайди. Аниқроғи, шеър вазни ва мазмуни бирор куйнинг мусиқий вазни ила кайфиятига мос тушса, ушбу назм ва наво намуналарини ўзаро боғлаб ижро этиш имконияти туғилади. Бу жараёни неча — неча авлод бастакорлари ижодида, хусусан мақом ашула йўлларида ҳам кузатиш мумкин. Мақом ашула йўллари учун жалб этиладиган шеърлар аввало халқ ижодиётига мансуб намуналар, қолаверса ўзбек ҳамда форс — тожик мумтоз шоирларнинг жозибадор асарларидан танлаб олингандир.

Шунингдек, мақом ашула йўлларида боғланган шеърый матнлар маълум даражада янгиланиб борилган. Бастакору ҳофизлар мақомга мойил, ўзларига ҳам, тингловчиларга ҳам манзур бўлган шеърлардан фойдаланганлар. Бу жараён XX асрда алоҳида аҳамият касб этади. Умуман XIX аср бошларида тузилган тўпламда ҳозирги туркумдан бирмунча фарқ этувчи ҳолатта дуч келиш мумкин. Булар мақом ашула намуналарининг номланиши, шеър матилари, тароналарнинг сони ва тартибида кузатилади.

Хулоса шулки, мақом ашула йўллари, хусусан тароналар халқ ва мумтоз шеърят ила мусиқани ўзида мужассамлантирган, кўп асрли ижод ва ижро маҳсулидир.

2. **Хоразм мақом тароналари.** Ушбу туркум тароналарининг ўзига хос жиҳатларидан бири, уларнинг Шашмақом тароналари каби ҳажман ихчам, оддий тузилмага эга кўринишларда эмас, балки кўпроқ ривожланган ашула шаклида эканлигидадир. Шунингдек, Хоразм туркум тароналари, Шашмақомдан фарқли ўлароқ, аксар мисолларда мумтоз шоирларнинг шеърларига боғланган.

Эътироф этиш ўринлики, Хоразм мақомларида бошқа мақом туркумлари таркибида учрамайдиган сувора, нақш, фарёд, муқаддима сингари таронага турдош ашулалар ҳам мавжуддир.

Хусусан, луғавий негизи "суворий" сўзидан келиб чиққан "отлиқ", "чавандоз" маъноларини англатувчи¹ сувора, мақомлар таркибий қисми бўлиши билан бир қаторда мустақил айтим жанри сифатида Хоразм воҳасида кенг тарқалган. Суворалар ҳажм жиҳатидан мақомларнинг асосий айтим қисмларига тенг бўлиб, катта, давомли авжларни ўз ичига олади. Мазкур ашулаларнинг яна бир фарқли томони шундаки, улар одатда шеърый мухаммасларга боғлаб куйланади. Бу эса мақомларнинг бошқа ашула йўлларида камдан — кам учрайдиган ҳодисадир. Мақомлар таркибида эса сувора асосан Тани мақом ёки наср шўъбаларидан сўнг келади. Уни камдан — кам ҳолларда талқиндан кейин учратиш мумкин. Шунингдек, эътироф этиш жоизки, мақом суворалари, доимо 13/4 (7/4 + 6/4) ўлчовли, мураккаб номдош усулга асосланади. Ушбу турдаги ашулалар куйига асосан аруз шеърятни намуналари боғланади.

Тарона вазифасини бажарувчи нақш мақомларнинг бошқа таркибий қисмларига нисбатан ўзгача бўлиб, икки хил кўринишда мавжуддир. Биринчиси, талқин ва кейингиси уфар усулида берилади. Маълум бўладикки, нақшнинг ўзи бир вақтда ҳам маҳзунлиқни ҳам қувноқ кайфиятини юзага келтириши мумкин. Бу ҳам бўлса тароналарга хос бўлган контраст — янгилашни мезонининг бир кўриниши бўлса ажаб эмас.

Нақш сўзи арабча бўлиб, «безак» маъносини англатади.² Мақомлар таркибидаги нақш, мавжуд манбаларда келтирилган далиллардан буткул фарқ қилади. Яъни, қадимий намуналардан саналган Нақш кичик ҳажмда бўлиб, рубоий ёхуд байтларга боғлаб айтилган экан.³ Бизгача етиб келган мақом таркибидаги нақш эса

¹ Персидско-Русский словарь. - М.: «Русский язык», 1983. - с.64

² Арабско-Русский словарь. - М.: «Русский язык», 1984 - с.824

³ Д.Рашидова. «Дарвеш Али Чанги и его трактат» (Мавераннахр XIV-XVII вв.). Дис.канд. иск.-х. - с.55

шаклан шўъбалар даражасига етган ва мураккаб мақом усулларига боғлаб куйланадиган кўринишдадир. Мақомдон олим И.Ражабов бу ашула тури «Таронаи Баёт» мисолида бизгача етиб келганлигини таъкидлайди.⁴ Шу боис мазкур шаклнинг қадимий ва ҳозирги ҳолати ўртасида фақатгина номи умумий деган хулосага келиш мумкин.

Таронага турдош ашулалардан саналган фарёд хусусидаги тафсилотлар қуйидагича: бу сўз луғавий жиҳатдан «фигон», «нола» каби маъноларни англатади. Хоразм мақомлари таркибида фарёд таронага хос хусусиятларни ўзида жамлаган шакллардан бирининг номидир. У каби ашулалар асосан талқин шўъбасидан кейин келиб, доимо 6/4 ўлчамли мураккаблардан саналган наср дойра усулида ижро этилади. Биргина Бузрук мақоми талқин шўъбасидан кейинги «Фарёди Насри Ажам» талқинга хос ўлчов ҳамда усулда берилган.

Мазкур айтим қисми сувора ва нақшга нисбатан мақомлар таркибида камроқ учрайди. Масалан, Дутоҳ ва Сегоҳ мақомларида фарёд умуман учрамайди. Бузрук, Наво ва Ироқда, юқорида қайд этилганидек, талқин шўъбасидан сўнг келса — да, Рост мақоми нота ёзувида негадир Муқаддимадан кейин «Фарёди Насри Ушшоқ» номи билан берилган.

Юқорида кўрилган ҳар учала шакл тароналар билан маълум умумийликни вужудга келтиради. Аммо шу билан бир қаторда, шаклларнинг ички тузилишини кузатадиган бўлсак, улар Шашмақом тароналари сингари асосан оддий, халқчил, тузилиши жиҳатидан унча катта бўлмаган кўринишда эмас, балки шаклан катталашиб кетган ва ҳатто шўъбалар даражасидаги ашула йўлларида.

Сувора, Нақш ва Фарёднинг ўзига хос жиҳатларини ажратмоқчи бўлсак:

- ушбу турдаги ашулалар ўзбек мумтоз шоирларининг ғазалларига, хусусан, сувораларнинг мухаммаслар билан боғланганини;
- ҳар бири учун мақомлар (хусусан ашула йўллари)нинг мураккаб дойра усули асос қилиб олинганлигини;
- шунингдек, умумий ҳажми ва мусиқий тузилиши жиҳатидан асосий шўъбаларга тенглашганини кузатиш мумкин.

Хоразм мақомларига хос таронасифат шаклларнинг усул асоси ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шашмақом тароналаридаги каби уларнинг усуллари хилма — хил, оддийдан мураккабгача бўлиб, тароналар ранг — баранглиги ва жозибадорлигининг янада орттишига

⁴ И.Ражабов. Мақом асослари. - Т.: 1992. - 12-б.

замин яратади. Одатда айни тароналарга хос бўлган 3/4 ўлчовли оддий усуллар билан бир қаторда 2/4, 3/4, 6/4, 7/4, 13/4 кўринишидаги мураккаб ўлчовдаги дойра усуллари ҳам кенг қўлланилади. Таронага турдош муқаддима ҳам асосий шўъбалар орасида келиб, боғловчи вазифасини бажаради. Шунингдек, мазкур турдаги ашулалар ҳам сувора, нақш, фарёд каби асосан мумтоз шоирлар шеърларига боғлаб ижро этилади.

Умуман Хоразм мақомлари таркибида тарона ва унга турдош шаклларнинг бошқа мақом туркумларига нисбатан кўпроқ хили учрайди.

3. Фарғона–Тошкент мақом тароналари. Фарғона–Тошкент мақом йўллари ўзбек мақомларининг учинчи асосий турларидан бири сифатида таърифланади. Шашмақом ва Хоразм мақом туркумидан фарқли ўлароқ, мазкур мақомларнинг ашула ва чолғу йўллари бизгача тарқоқ ҳолда, яъни алоҳида–алоҳида туркумли ва туркумсиз асарлар сифатида етиб келган.

Ушбу мақом туркумлари таркибида дастлабки қисмлардан кейин келувчи ашулаларнинг айримлари ўзининг муסיқий табиати, шакл тузилиши, вазни, дойра усули жиҳатидан Шашмақом ва Хоразм мақомлари таркибидаги тароналарни эслатади. Яъни, мақомларнинг ҳар иккинчи қисми таронага хос усулда берилади. Аммо айни пайтда мазкур тарона шакллари, Шашмақом тароналаридан фарқли ўлароқ, умумий тузилиши, ривожланиш кўлами жиҳатидан росмана шўъба йўллари ҳам жуда яқиндир. Зеро улар тароналарга хос ҳал қилувчи мезонларини сақлаган ҳолда шакллантирувчи воситаларини маълум даражада шўъбалардан ҳам ўзлаштирганлиги кузатилади. Натижада бундай мақом туркумида таронасифат йирик ашула йўли вужудга келган ва тарона намуналари қаторида алоҳида ўрин тутати. Аммо бу ашулалар тарона ўрнига Баёт II, Дугоҳ Ҳусайний III, IV (яъни, мазкур мақом турининг учинчи ва тўртинчи қисмлари тароналардир) ҳамда Чоргоҳ II каби бевосита муайян мақомни билдирувчи номлар ила аталиб, рақамлар билан белгиланади. Шунингдек, тароналарнинг сўз матнлари ҳам мумтоз шоирларнинг ижодига мансуб шеърларни ташкил этади. Шашмақом тароналаридаги каби бевосита халқ сўзлари эса мутлақо учрамайди.

Эътироф этиш жоизки, Фарғона–Тошкент мақомлари ижрочи–ижодкорлар сайъ–ҳаракати боис ҳам Бухоро мақомлари сингари муайян туркумларга жамланиб, келгусида янада тақомиллашуви муқаррардир.

II–боб. «Тарона шакллариининг хусусиятлари» дея номланиб, у мазкур турдаги ашулаларнинг назарий асосларини таҳлил этишга бағишланган.

Мақом туркумларида парда тузилиши ва вазн–усули шакллантирувчи воситалар орасида етакчи саналиб, айрим ҳолларда ҳал этувчи аҳамиятга эгадир. Шунингдек, маҳобатли мақом туркумларида улар таркибий қисмларнинг ўзаро муносабатларини ҳам мантиқан, ҳам драматургик жиҳатдан белгилаб беради. Лад асослари туркум тузилишида оҳанг–куй воситасининг мунтазам равишдаги давомийлиги ила кўп қисми мақомларнинг ўзаро мантиқан уланишини ҳам таъминлайди. Бу хусусиятларнинг бевосита мақом тароналарига ҳам алоқадорлиги шубҳасиз, албатта.

Мақом тароналарининг шеър ва куй муносабатлари, яъни уларда вазн–усул мутаносиблиги масаласи ҳам муҳим ўрин тутати. Бу ижодий мезон тароналарнинг сўз ва куй усул–вазнларига ҳам билвосита алоқадор дейиш мумкин.

Диссертацияда қўйилган мақсадли масалада тароналарнинг назарий таҳлили учун уларнинг ички тузилишини аниқловчи махсус атамалар мавжуд эмас. Шу боис тарона мисолларининг назарий таҳлиллари учун мақом тушунчаларидан бирмунча эркин ҳолда, асосан шўъба тузилмаларини белгиловчи номлардан фойдаланилди. Табиийки, бунда тўлиқ шўъба шаклини ташкил этувчи ҳар бири асосан икки жумладан иборат «хат» номи куй даврлари назарда тутилмоқда. Тароналарнинг шаклий таҳлилда икки жумладан иборат тузилма шартли равишда «хат» деб белгиланди. Мисолларнинг умумий ҳажми биргина хатдан иборат даврия шаклидан тўлиқ шўъба шаклигача бўлган кўринишларда учрайди. Таъкидлаш жоизки, мақом тароналари ўзларидан аввал келган бош ғўҳ асосий шўъба билан муайян умумийликка эга бўлиб, унинг оҳанг йўли ҳамда шакллантирувчи воситаларини муайян меъёрга акс эттиради.

Хусусан, мақом ашула қисмлари, жумладан тароналарнинг ҳам муҳим шакллантирувчи воситаларидан бири авж тузилмасидир. Тароналар орасида авжнинг «энг баланд пардали» намуналари кўпроқ, «нисбатан давомли тузилма»га эга турлари эса камроқ учрайди.

Авжнинг учинчи тоифасига кирувчи намудлар⁵ эса тароналарга тўлиқ ҳолда киритилмаган. Шундай бўлса–да, уларнинг айрим унсурларини учратиш мумкин. Жумладан, Наврўзи Хоронинг иккинчи таронасида ашуланинг вазн–ўлчовига мослашган Сегоҳ намуди оҳанглари ҳанглار тарзида қўлланилган. Шунингдек, Насри Баёт таронасида Наво намуди, Муҳаййри Ироқнинг I ва II тароналарида Муҳаййри Чоргоҳ намуди оҳангларида фойдаланилган.

⁵ Р. Юнусов. Ўзбек халқ муסיқия ижоди II. – Т.: 2000. – 38 б.

Эътироф этиш жоизки, Шашмақом (Тошкент ва Москва нашрлари) ва Хоразм (1980 йилги нашр) мақомлари туркумидан муайян бир мақом, жумладан, Бузрук мақоми бош шўъбасининг номдош тароналарини назарий таҳлил этсак, Сарахбори Бузрук тароналари Шашмақомнинг ҳар икки нашрида парда тузилиши, куй — оҳанг, вазн — усул, умумий шакллари деярли бир хил эканлиги кузатилади. Мазкур шўъба тароналарининг мусиқий мантиқи, таъбир жоиз бўлса драматургияси, оҳанг жиҳатдан ўзаро узвий боғланган олти тарона биргаликда яхлит туркумни ҳосил қилишини кўрсатади.

Хоразм мақом туркуми тароналарининг назарий таҳлили жараёнида эса улар Шашмақом тароналари билан ҳеч қандай муштаракликка эга эмаслиги маълум бўлади. Зеро, Шашмақом ва Хоразм мақом тароналари ўртасида нафақат оҳанг мазмуни ва ички тузилиши, балки тароналарнинг сони жиҳатидан ҳам тафовутлар мавжуд.

Ўз навбатида назарий таҳлилар натижаси ўлароқ, Хоразм тароналари хусусида қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

- мазкур тароналарнинг ҳар бири ўзига хос оҳангга эга бўлиб, бир — бирини такрорламайди;
- асарлар аксарият ҳолларда мумтоз ўзбек шоирларнинг шеърларига боғланган;
- шунингдек усуллари ҳам ўзгача зарбли мураккаб кўринишга эга бўлиб, шакл жиҳатидан қарийб шўъбалар даражасига етган бўлиши мумкин.

Мақом тароналарининг муҳим шакллантирувчи воситаларидан бири усулдир. Бу ўринда усул — наинки жўр бўлувчи дойра зарбларининг шакли, балки куй ривожининг муваққат асосини белгиловчи энг муҳим омиллардан биридир. Мақом таркибий қисмларининг номланишида ҳам бир хилдаги шаклий атамалар қисмининг вазн — усул бирлигидан далолат бериши маълум. Зеро, мақом усуллари ўзининг шаклан бойлиги, куй ривожланиши жараёнида унинг вазни ила мураккаб муносабатларда бўлиши билан ажралиб туради.

Мақом тароналари кўриниши жиҳатидан ранго — ранг бўлганидек, унинг усуллари ҳам шунга монанд тарзда келади. Яъни, оддий ўлчамли усуллардан 2/4, 3/4 кабилар саналиб, улардан кўпинча 3/4 ўлчамли усул тароналарга жўрнавоз бўлиб келади. Аммо шунини айтиш жоизки, усул ўлчови аксар ҳолларда бир хил бўлгани билан зарб шакллари ҳар хил кўринишда бўлиши кузатилади. Бу эса ўз навбатида мусиқий жозибдорликнинг тобора кучайтирилиши учун хизмат қилиш воситаларидир. Шунингдек, тароналар оддий ўлчамли усуллар билан бир қаторда

мураккаб ўлчовли усуллар билан ҳам келади. Бундайлар қаторига 4/4, 7/4, 13/4 кабиларни киритиш мумкин. Бу ноёб усулларнинг ҳар бири тароналар таркибида нисбатан кам учраши билан ҳам эътиборни тортади.

Тароналарда сўз ва куй нисбатларининг кузатуви шунини кўрсатадики, муайян қолипга тушган шеърини вазн маълум куй усул — вазнига мос тушади. Масалан, 13/4 ўлчамли сувора усули барча тароналарда «Муқтазаби мусаммани матвий мактуъ» номли шеърини вазнга мос келувчи шеърларга боғланган.

Юқорида таъкидланганидек, бу омилларнинг етакчилари тароналардаги пардалар замини ва муваққат пойдевори ҳисобланган усуллари ила вазнлар меъёридир. Табиийки, бу жиҳатлар қаторида таронанинг тузилиш таркиби ила умумий ҳажмини белгиловчи шакллари хусусияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни улар мантиқан кичик ҳажмдан каттагача бўлган кўринишга монанд ҳолда оддийдан мураккабликка томон ривожланиш қонуниятига асосланади.

Маълумки, шўъба — тароналарнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги мақом туркумини ҳосил қилса, муайян ҳолатларда тароналарнинг ўзи ҳам алоҳида туркум тарзида келиши кузатилади. Жумладан, туркумдаги дастлабки тарона одатда навбатдаги тароналарнинг ўзаги бўлиб хизмат қилади. Таъбир жоиз бўлса, уларни бош мусиқий мавзу асосидаги муқобил вариациялар (ашулалар мажмуи) деб ҳам таърифлаш мумкин. Аммо бу кўринишга соф назарий таҳлилий нуқтаи назардан қараш мақсадга мувофиқдир. Зеро мақомлардаги умумий гуруҳни тароналар фақат шўъба билан биргаликда ҳосил қилиши шубҳасиз, албатта. Демак, улар мақом туркуми таркибида ажралмас бўғинни ташкил этиб, мазмундорликни оширади ҳамда туркум шаклланиши ила унинг яхлитлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди.

III-боб. «Ижро анъаналари». Мусиқа санъатининг ижрочилик жабҳаси мақом шаклланган кўҳна даврлар билан узвий боғланган ҳолда, кўп асрлар оша мунтазам ривожланган, такомиллашиб борган. Ўз навбатида мазкур жараёни ҳар авлодга мансуб етук хонанда ёки созандаларнинг ижровий маҳорати ва йиллар мобайнида тўплаган тажриба самараси дейиш ўринлидир. Бунда устоз даражасига етишган ҳар бир бастакору ижрочи ўзининг ижодий бисотидан ўз шогирдларига юқтириш ила мумтоз мусиқа намуналарини абадийлаштиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Ва муносиб шогирдлар ҳам ушбу қоидага амал қилган ҳолда устозларидан олган амалий ҳамда ижодий малакаларини янада сайқаллантириб, ўз навбатида келгуси авлод вакиллариغا етказишга ҳаракат қилишади. Демак, мақом ижрочилиги худди

шу йўсинда шаклланиб, тобора ривожланиб боради ва муайян ижодий ютуқлар анъанага айланади.

Бу анъанага ўзгача ижтимоий—тарихий шароитларда, жумладан, ўтган асрнинг 60—йилдан бошлаб хонанда ва созандаларни Ўзбекистон радиоси мақом ансамблига ишга жалб этган ҳолда академик Юнус Ражабий асос солди. Ушбу ансамбл бадий раҳбарининг соҳадаги кўп йиллик ижрочилик, бастакорлик ҳамда илмий—ижодий изланишлари устозлик фаолиятида айнан қўл келди. Унинг бошчилигидаги санъаткорлар, шу жумладан унинг издошлари ижро этган Шашмақом, Фарғона — Тошкент мақом йўллари туркумлари янги талқин ила янада сайқаллантирилиб, мухлислар эътиборига ҳавола қилинди. Шу ўринда бадий раҳбарнинг сайъ—ҳаракатлари ила умуман мақом ижро йўлининг янгилаштириш борасида аёл овозларининг расман киритилишини айтиб ўтиш айни мудаодир.

Маълумки, XX асрга қадар мақом ижрочилиги билан расман машғул бўлувчилар фақат эркаклар бўлган. Ҳофиз деган атама ҳам ёлғиз эркак хонандаларга тегишли эди. Аммо бу, аёллар мумтоз мусиқадан умуман бохабар бўлмаган, мақом ижрочилиги билан шуғулланмаган дегани эмас. Бу даврда уларнинг ижодий фаолияти «ичкарида», яъни фақат аёллар даврасидагина кечганини эслатиш жоиздир. Халқчил мусиқий услубдаги тароналарни вужудга келиши бир ҳисобда аёллар билан боғланар экан, уларнинг бевосита ижодкорлиги ва ижрочилиги ҳам бундан мустасно бўлиши мумкин эмас, албатта.

Янги замонда эса аёл овозининг расман тан олинishi, хусусан мақом ижрочилигида ўз ўрнини топиши жуда муҳим ижтимоий—маданий ҳодисалардан биридир. Бунинг натижасида мумтоз мусиқамиз жаранги тўлди, янги—янги беназир жилолар билан янада бойиди. Хусусан, Юнус Ражабий раҳбарлигидаги мақом ансамблида юксак ижро маҳоратига эга аёл санъаткорлардан Берта Довидова, Коммуна Исмоиловалар билан бир сафда Раҳима Йўлдошева, Ҳада Юсупова каби иқтидорли хонандлар ҳам фаолият кўрсатишди. Кейинчалик бу давр Муножот Йўлчиева, Марям Сатторова, Насиба Сатторова, Матлуба Дадабоева, Гулбаҳор Эрқулова, Маҳбуба Ҳасанова, Комила Аминова каби номлар билан тобора кенгайиб борди.

Даставвал Шашмақом туркуми ашула бўлимининг ижро йўллари ва услублари хусусида сўз юритилар экан, унинг тароналари янграшини ҳам бевосита кузатиш мумкин. Бунга айнан Ю.Ражабий раҳнамолик қилган, мақом ансамбли ижросидаги магнит тасмаларга муҳрланган Сарахбори Дутоҳ ва унинг тароналари ёрқин мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сарахбори Дутоҳ ижросида асосий маъсулият эркаклар гуруҳига юклатилган бўлиб, аёллар овозига шўъбанинг фақат II—хатини ижро этиш топширилган. Шунингдек, бу ерда эркаклар гуруҳининг ўзи иккига бўлинган бўлиб, яккахон вазифасини ҳам эркак овози бажаради. Ушбу ижрони тинглаш жараёнида шу нарса англашидiki, дарҳақиқат аёллар овозининг ансамбл таркибида қўлланиши дастлабки тажриба бўлиб ҳисобланган. Чунки аёллар гуруҳлари асосан жўровоз сифатида қатнашадилар, айрим ривожланган хатларда (IV, V, VI—хатлар) эса улар умуман иштирок этмаганлар.

Шундай бўлса—да, моҳир раҳбар тажрибаси туфайли ижро тингловчида ўзига хос таассурот қолдиради. Асосан эркак овозлари жалб этилган бўлса ҳам, уларнинг овоз тембрларини ҳисобга олган ҳолда ижро этириш, ўткир нафасли яккахонни танлаш ва унинг ўзига хос жозибадор овози ўрнида жаранглаши сабабли Сарахбори Дутоҳнинг гўзал ижроси раҳбардан катта маҳорат талаб этган, албатта.

Бевосита Сарахбори Дутоҳдан кейин келувчи тароналар асосан эркаклар ва аёллар гуруҳининг навбатма—навбат айтишларидан иборатдир. Шунингдек, бу ерда шўъбага нисбатан хотин—қизлар овозининг фаоллашганини сезиш мумкин. Чунки улар эркак хонандалар гуруҳи билан деярли тенг даражада иштирок этганлар. Тароналарда баланд авжлар бўлмаса—да, юқори пардаларни яккахонликда ижро этиш асосан эркак овозига топширилган. Шўъбанинг супориш вазифасини бажарувчи сўнгги олтинчи таронасини эса бевосита Ю.Ражабийнинг якка тарзда ижро этгани маълум ва қадрлидир.

Ижро талқинини идрок этган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкинки, йирик устоз ўзгача йўсинда ижрога ёндошиб, катта—кичик ашулаларнинг тингловчига теран мазмунини етказиб беришга, жозибадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга жамоани сафарбар қилган. Юнус Ражабий бошлаб берган ҳаётбахш анъаналарни ҳозирда унинг шогирдлари давом эттириб келмоқдалар.

Шунингдек, Бузрук мақомининг асосий шўъбаларидан бири Насруллоидан сўнг келувчи учта таронани таҳлил этарканмиз, нота ёзуви ва бевосита ижро ўртасида муайян фарқлар мавжудлиги аён бўлади. Бу фарқлар тароналарнинг усуллари ҳамда нота ёзувида берилган айрим жумлаларнинг ижрога киритилмаганида кузатилади. Қолаверса, ижро талқинлари бевосита чолғулар ҳиссаси ила бойитилишига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов бошчилигида амалга оширилган тароналар ижросида қўш ногора қўлланилиб,

ашулалар туркумига янада тароват ва жозиба бахш этган. Боз устига тароналарнинг усул зарбларидаги гўёки жонланиш ҳам ижрога ўзига хосликни намоён этди.

Ўз навбатида аёллар овозининг айнан тароналар ижросида фаоллашганини айтиш жоиз. Чунки ҳар бир таронани хотин-қизлар гуруҳи бошлаб, ижро давомида жумлаларни аёл-эркак овозлари навбатма-навбат айтишади. Шундай бўлса-да, ашулаларнинг баланд пардалари ҳамон эркаклар гуруҳига топирилган. Тароналар айтими бутун жамоа (аёллар ва эркаклар) томонидан биргаликда яқунланади.

Ушбу ижро битилган аудио ёзувни тинглаб хулосага келиш мумкинки, унда аёллар овози фаоллашгани билан уларнинг иштироки тўлақонли, эркаклар овозига тенглашади, дейиш бироз муболағалидир. Зеро, кенг ҳажмли, кучли овоз кўламига эга аёл хонандалар бўла туриб, баланд пардалардаги куй жумлалари фақат эркаклар гуруҳига топирилган. Бундай ёндашув жамоа раҳбарларининг мақом ижрочилигини янгича талқинлар ила бойитиш билан бирга, устозлардан қолган муқим анъаналарга амал қилганликларидан далолат беради.

Мақом хонандалиги анъаналари хусусида фикр юритилар экан, сўнгги йилларда Хоразм мақомларининг эски кўрнишларидан «Хоразм танбур чизиги»нинг кўлёзма нусхаларига таяниб, уларни ҳозирги ёш авлод вакиллари кўнгил билан ўзлаштиришга киришганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Жумладан, «Хоразм танбур чизиги»нинг мукаммал, дея таърифланган Искандар Махсумга тегишли нусхаси Урганч мусиқа коллежи жамоаси томонидан амалиётда татбиқ этилмоқда. Жамоанинг бу борадаги дастлабки уринишларини ижобий баҳога лойиқ дейиш мумкин. Хусусан, талабаларнинг ҳам бу хазинага бевосита даҳлдор бўлиб, уни амалиётда ўрганишлари айни муддаодир. Зеро, махсус мусиқа таълими тизимида мақом ашула йўлларининг ўзлаштирилиши, анъанавий устозона касбий мусиқа намуналарини келгуси авлодларга авайлаб-асраб етказишда муқим омиллардан саналади.

Эслатиш жоизки, мусиқа таълимининг олий босқичи бўлган Ўзбекистон давлат консерваториясида ҳам моҳир муаллим, буюк созанда ва бастакор Фахриддин Содиқов бошлаган барҳаёт анъаналар унинг шогирдлари томонидан муносиб давом эттирилди. Жумладан, устознинг истеъдодли шогирдларидан бири доцент Абдурахим Ҳамидов раҳбарлигидаги талабалар мақом ансамбли Шашмақом туркумининг қолғу йўлларини илк бор тўла ҳолда граммафон ёзувларга муҳрлаган эди. Шунингдек, А.Ҳамидовнинг Бухоро мақомларининг иккинчи гуруҳ

шўъбаларидан савт-мўғулчаларни қайта нотага олиш устида иш олиб бормоқда. Унда созанда мақом намуналарининг шакл-лантирувчи воситалари, жумладан, вазн-ўлчовини қайта кўриб чиқиб, айнан ижро амалиёти учун қулай имкониятларни топди. Бу кўлёзма тез кунларда нашр юзини кўрса айни муддао бўлур эди.

Мумтоз мусикамиз билимдони, атоқли ҳофиз, профессор Фаттоҳхон Мамадалиев ҳам талабаларига ўзи қайта ишлаган Муножот туркумини ўргатиб, уни Ўзбекистон Радиосида магнит тасмаларига туширган эди. Бу ёзувлар радио фонотекасининг «олтин хазинаси»дан жой олди. 1990 йилларнинг ўрталарида моҳир мураббий «...ёшлик чоғларида андижонлик забардаст устози Умрзоқ Полвон Сайдалиевдан кўп эшитиб ўзлаштириб олган «Қадимги Ушшоқ», «Зикри Ушшоқ», «Умрзоқ Полвон Ушшоғи» каби ноёб мақом намуналарини садоларда жонлантirdи ва шогирдларига ўргатди». ⁶ Табиийки, бу ўзига хос ижролар келажакда таҳсил олувчи талабаларга ўрнатилган бўларли намуналардир. Замонавий таълим тизимида кўҳна ва ҳамиша навқирон мақом санъатини ўрганиш, ўзлаштириш билан бирга унинг ижросини абадийлаштириш ҳам муқим аҳамиятта эга. Шундай экан, консерваториянинг ёш мақом ижрочилари таҳсил кўриши давомида олган илму кўникмаларини, шунингдек, «Хоразм танбур чизиги» орқали асарларни тиклашга уринаётган Урганч мусиқа коллежи жамоаси ҳам ўз меҳнатлари самарасини Республика радиосида магнит тасмаларига ёхўд замонавий техник ёзувларга муҳрлаши лозим.

Ўз навбатида эслатиш жоизки, умуман Хоразм мақомларининг ижролари пойтахтда тақчил бўлиб, Ўзтелерадио фондида ҳам фақатгина терма равишда ёзилган мақом намуналари мавжуд. Табиийки, Хоразм мақомларининг тўлиқ ёзувларига бўлган эҳтиёж доимо сезилади. Зеро, бу мақом туркуми пафақат ижрочиликни ўзлаштириш учун балки илмий ўрганиш учун ҳам ўта муқим омилдир.

Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мақомларнинг туркум тарзидаги ижро анъанасига доимо қатъий амал этиш мақсадга мувофиқдир. Боиси, сўнгги пайтда мумтоз мусикамизнинг бу маҳобатли қатламининг таркибий қисмларини концерт сахналарида алоҳида (якка кўринишда) ижро этиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Зеро, бу салобатли санъатнинг тераи мазмун-маънолари туркум даражасидагина ўзининг барча имкониятларини тўла ифода эта олади. Шу боис устозлар мақомларни пикон борица туркум ҳолда ижро этиб келганлар.

⁶ Ўзбекистон санъати (1991–2001 йиллар). – Т.: «Шарқ», 2001. – 114-б.

Мазкур тафсилотлар тўлалигича тароналар ижросига ҳам тааллуқли бўлиб, уларнинг туркум ҳолда ижро этилиши муҳимдир. Зеро, юқорида таъкидланганидек, ўзаро мантиқан уланган тароналар шўъбалар билан биргаликда ижро этилгандагина маҳобатли мақом туркумини тўлалигича намоён эта олади.

Шунингдек, айтиш жоизки, умуман мақомларнинг ашула йўллари, жумладан, тароналари ижроси устозлар бошлаган анъана асосида эндиликда шогирдлар томонидан бебаҳо мерос салоҳиятини янада ошириш мақсадида янгича ижодий ёндашувлар ила тобора сайқалланиб бормоқда.

3. Хулоса

Унда тароналар хусусида берилган тарихий ва замонавий маълумотлар, таҳлиллар натижасида келиб чиққан фикр — мулоҳазалар умумлаштирилди. Шунингдек, иш жараёнида бевосита ўзбек мақомотида тааллуқли, ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳам қайд этилди.

Мақом туркумлари мажмуасида тароналар шўъба, шохобча деб юритилувчи қисмлар билан биргаликда муайян яхлитликни вужудга келтиради. Бинобарин, тароналар асосий шўъбаларни нафақат боғлаб турувчи, балки уларни халқ ижодиёти намуналари, хусусан, мусикий — шеърый фольклор ижодиёти вобасталиги билан мумтоз даражага кўтарилган муҳим омиддир. Ушбу жиҳатларини ҳисобга олиб, тароналарни тўла маънода фольклор қатлаמידан чиққан ҳолда касбий мусиқа ижодиётининг ажралмас қисмига айланган дея баҳолаш мумкин.

Маълумки, шеърый ва мусиқа қадимдан ўзаро уйғунликда ривожланиб келган. Бунда бадий ижодиётнинг ҳар икки соҳаси бир — бирига бевосита ва билвосита таъсир этмай қолмаган. Зотан, кўпгина мусикий шаклларнинг номлари (жумладан, реҳта, сажъ, ғазал) адабий жанрлар замида юзага келган дейиш мумкин. Таронада эса бу тарихий жараённинг акси кузатилади. Яъни, шоирлар томонидан яратилиб, халқ орасида ўзининг бирмунча ёрқин мусикий сифатлари билан кенг тарқалган тўртликлар тарона, дея ном олган бўлса ажаб эмас.

Ўзбек мақомотининг ўрганилган Бухоро, Хоразм, Фарғона — Тошкент туркум тароналари ўзаро муштараклик жиҳатлари билан бирга ўзига хос томонларига ҳам эга. Жумладан, Шашмақом тароналари асосан ҳажман ихчам, шаклан оддийдан мураккабгача кўринишдаги айтимлардир. Хоразм мақомларида тарона ва унга турдош сувора, нақш, фарёд номида уларнинг ҳажман йирик асарлар бўлиб, шаклан ривожлангани кузатилади. Булар қаторида

Фарғона — Тошкент мақом тароналари бош шўъба билан муайян узвийликни ҳосил қилиши ҳамон шаклан ва услубан шўъба даражасига етиб, мустақил йирик асар кўринишида намоён бўлади. Ўз навбатида айтиш жоизки, Хоразм Сувораси мустақил ашула жанри сифатида тадқиқ этилиши лозим бўлган алоҳида мавзудир.

Мақом тароналарининг тузилиш таркибига эътибор берилса, у ҳолда Хоразм мақом тароналари ҳажман йириклашиб, шаклан мураккаблашган ва ниҳоят, сўнгги нашрда сон жиҳатдан анча кўпайтирилгани билан, уларнинг мусикий тили, услуби соддалигича қолгани маълум бўлади. Бинобарин, Фарғона — Тошкент мақом тароналарининг умумий шаклига монанд мусикий тили ҳам, услуби ҳам мураккабдир. Шашмақом тароналарида эса ҳар икки ҳолатни кузатиш мумкин. Жумладан, бу туркумда ҳажман ихчам, соф халқчил қўшиқлардан тортиб, шаклан ривожланган, бастакорлик ижодиётига мансуб ашулаларгача мавжуддир.

Илмий — назарий кузатувлар жараёнида амин бўламизки, умуман тароналар ёрдамида мақомларнинг биринчи, яъни энг қадимий, асл йўлларида ташкил топган қисмлар таркиби, мантиқан асоси алмашинуви ўрин олган, муқим анъана касб этган. Шу боисдан тароналарнинг мусикий табиати, қонуниятлари мумтоз мақом ижодиётини янада бойитиб, унинг ажралмас қисмига айланган.

Диссертациянинг асосий мазмуни қуйидаги наслларда ўз ифодасини топган:

I. Журнал ва тўпламлар

1. Ойхўжаева Ш. Мақом тароналари // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. — Тошкент, 2004. — № 4. — 158–163 бетлар.
2. Ойхўжаева Ш. Ҳазрат Жомий ва мусиқа илми // Мозийдан садо. — Тошкент, 2006. — № 3. — 41–44 бетлар.
3. Айхўжаева Ш. Тарона — часть вокального раздела макома // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. — Тошкент, 2006. — № 3. — 168–173 бетлар.
4. Ойхўжаева Ш. Тарона нима? // Театр. — Тошкент, — № 5 — 23–24 бетлар.
5. Ойхўжаева Ш. Фарғона — Тошкент мақом тароналари хусусида // Мусиқа ижрочилиги ва педагогикаси масалалари IV. — Тошкент, 2003. — 12–16 бетлар.
6. Ойхўжаева Ш. Шашмақом тароналарида сўз ва куй муносабатлари // Ўзбекистонда замонавий мусиқа санъати муаммолари. — Тошкент, "Мусиқа", 2006. — 104–109 бетлар.
7. Ойхўжаева Ш. Реҳта, Рок // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси VII. — Тошкент, 2004. — 320, 348 бетлар.
8. Ойхўжаева Ш. Тарона // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси VIII. — Тошкент, 2004. — 285 бет.

II. Конференция материаллари

1. Ойхўжаева Ш. Мақом ашула йўлларини ўрганиш масалалари // "Мусиқа санъати: тарих ва замонавийлик" илмий — амалий конференцияси тезислар тўплами. — Т.: 2003. — 62–63 бетлар.
2. Ойхўжаева Ш. Фарғона — Тошкент мақом тароналарининг туркумлиниш масаласига доир // "Ўзбекистон санъати: анъана ва трансформация жараёнлари" мавзuidaги илмий — амалий конференцияси материаллари. — Т.: 2005. — 56–57 бетлар.
3. Ойхўжаева Ш. Шашмақом тароналарида оҳанг масаласи // "Шашмақом анъаналари ва замонавийлик", Халқаро илмий конференция материаллари. — Самарқанд — Тошкент, 2005. — 6–11 бетлар. (ўзбек тилида); 148–151 бетлар. (инглиз тилида).

Санъатшунослик номзоди илмий даражасига талабгор
Айхўжаева Шахноза Имомхўжаевнанинг
17.00.02 — мусиқа санъати ихтисослиги бўйича
«Мақом тароналари (жанр хусусиятлари, ижро анъаналари)»
мавзuidaги диссертацияси

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: мақом, мақомот, мақомшунослик, Шашмақом, Хоразм мақомлари, Фарғона — Тошкент мақом йўллари, тарона, сувора, нақш, фарёд, усул, фольклор, бастакор, авж, вази, туркум, хонандалик.

Тадқиқот объекти: Шашмақом, Хоразм мақомлари, Фарғона — Тошкент мақом йўллари туркумларининг таркибий қисми саналмиш тарона ва унга турдош ашулалар.

Ишнинг мақсади: тароналарнинг келиб чиқиши; уларнинг Бухоро, Хоразм ва Фарғона — Тошкент мақом туркумларида ўрни ва аҳамияти, мусиқий хусусиятлари, жанр қонуниятлари ҳамда ижро анъаналарини атрофлича ёритишдан иборат.

Тадқиқот усули: Ўзбекистон мақомшунослигида шаклланган илмий — тадқиқот услубларига, шу жумладан қиёсий методга асосланилди; мавжуд манбалар истиқлол мафкураси нуқтаи — назаридан баҳоланиб, мусиқий намуналар тизимли ёндошув асосида таҳлил этилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: мақом туркумларининг таркибий қисми бўлмиш тароналар илк бор асосий мавзу сифатида илмий — назарий жиҳатдан тадқиқ этилди; мақомларнинг туркум бўлиб шаклланишида айнан тароналар ўрни ва моҳияти муҳим эканлиги аён бўлди.

Амалий аҳамияти: тадқиқотда бажарилган таҳлиллار, илмий кузатув ва умумлашма хулосалардан ўзбек ва бошқа халқлар мақомшунослигига оид масалаларни ёритишда фойдаланиш; шунингдек, чолғу ва ашула мақом ижрочилиги рағбатига кўмак бериши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий мақола эълон қилинган бўлиб, уларда илмий тадқиқотнинг асосий мазмуни ўз аксини топган.

Қўлланиш соҳаси: мазкур тадқиқот материаллари олий ва ўрта махсус мусиқа ўқув юрталарининг «Анъанавий ўзбек мусиқаси асослари», «Мақом асослари», «Ўзбек мумтоз мусиқаси» каби курслар бўйича маъруза машғулотларида, шунингдек, мусиқий — маърифий ишларда илмий манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Айходжаевой Шахнозы Имомходжаевны на тему
«Тарона макомов (жанровые особенности, исполнительские традиции)»
на соискание ученой степени кандидата искусствоведения по
специальности 17.00.02 – музыкальное искусство

Ключевые слова: маком, макомат, макомоведение, Шапмаком, Хорезмские макамы, Фергано-Ташкентские макамы, тарона, сувора, накш, фарёд, усуль, бастакор, аудж, цикл, исполнительство.

Объект исследования: образцы тарона в макомных циклах и её разновидности – как важная составная часть вокальных разделов.

Цель работы: исследование вокальных частей тароны, определение их роли, места и значения в Бухарских, Хорезмских и Фергано-Ташкентских макомных циклах; выявление жанровых закономерностей, музыкальных признаков, а также освещение традиций их современного исполнительства.

Метод исследования: в диссертации применяются такие методы научно-исследовательского анализа, как структурный, сравнительно-сопоставительный, исполнительский. Все привлечённые в работе источники оцениваются с позиции идеологии независимости.

Полученные результаты и их новизна: впервые изучены исторические и теоретические аспекты тарона, выявляется формообразующая роль и выразительные средства частей тарона в макомных циклах.

Практическая значимость: выводы диссертации, аналитический материал и научные наблюдения имеют значение для дальнейших разработок проблем макомоведения, могут быть полезны при изучении вопросов восточного макомата в целом.

Степень внедрения и экономическая эффективность: по теме диссертации опубликовано 11 научных статей, отражающих основное содержание исследования.

Область применения: материалы диссертации могут быть использованы в учебных курсах «Основы узбекской традиционной музыки», «Основы макомов», «Узбекская профессиональная музыка устной традиции», в высших и средних специальных учебных заведениях искусства, музыкально-просветительской работе.

RESUME

Thesis of Aykhodjaeva Shahnoza Imomkhodjaevna
for the degree of Candidate of Art Criticism
speciality: 17.00.02. – "Music Art": «The TARONAs of Makom
(the peculiarities of genre, the traditions of performance)»

Key words: makom, Shashmakom, Khorazm makoms, Farghana – Tashkent makoms, Taronas, Suvora, Naqsh, Faryod, usul, bastakor, folklor, avj, Scales of the musical rhythm, Makom Studies, Cycle, Hofiz is a singer of traditional songs, ensemble performing.

Subjects of the inquiry: TARONAs (Classical songs) are the component part of ancient and constantly young cycles of makoms and their similar songs

Aim of the inquiry: The appearance of Taronas; their place and importance in Bukhoro, Khorazm and Farghana – Tashkent makom cycles, their musical features, researching of the genre's rules and traditional performance of Taronas.

Method of inquiry: The Thesis has been written according to the scientific research methods of the Uzbek Makom Studies. It has been compiled from the original sources and musical examples, estimated and tested with due regard for Independence Ideology.

The results achieved and their novelty: It became known that "TARONA"s have an important place for the growing of Makoms as a cyclic music. It is considered that "TARONA"s are the component part of Makoms and they have been scientifically and theoretically investigated as a main subject for the first time.

Practical value: It is of great value that the carried out scientific observation and the accepted conclusion can be used for the thorough research work of Makom Studies' problems.

Degree of embed and economic effectivity: Five (11) scientific articles were published according to the subject of Dissertation and the main content of the scientific research work has been reflected in these articles.

Sphere of usage: The materials of this thesis can be used as an original source at the lectures and lessons of subjects: "The Principles of Uzbek Traditional Music" and "The Principles of Makom" approved by Ministry of Higher and Secondary Special Education of Uzbekistan.

Босишга рухсат этилди: 27.10.07. Бичими 60x84¹/₆.
Офсет усулида чоп этилди. «Times New Roman» гарнитураси.
Босма тобоғи 1,0. Адади 100. Бюртма № 157

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
700003, Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171-уй.